

84
411-61

Махмуд Тоир

Янги

ТОШКЕНТНОМА



*Баркамиз? қаерда бўлмайтик, қайси
юртларни кезмайтик, донмо Штошкентни
сониш, уна таттиниб, суниб тшаймиз?
Штошкентини шарфини еган бурмук,
Мақкадан ҳам қайтиб кетади, деган нақш
бежизда айтлмаган.*

Ислом КАРИМОВ



Ўзбекистон ҳамд шoirи Маҳмуд Тоирнинг ушбу шеърй асарй Нoлoнимиз пoйтaхти — Тoшкент шaҳри хaйрлaги дoстoн-фaхрийдир. Хoр бир ўзбек китoбoхoни учун фoт қaдрлй бўлгaн бу мaвзудaстaб oтoвaн aлoмa шoиримиз Мaқсуд Шaйхoдa тoмoнидaн 1957 йилдa, eрoл мустaбид тузум мaфкyрaси aвж oлгaн дaврдa ёритилгaни мaдoбoлoнимиз тaрихидaн яхши мaълум. Ўтa oғир вa мурaккaб шaрoитдa ёзилгaнлa қaрaмaздaн, oнa кoрттa мурaббaт, унинг бoшкeнти бўлгaн oтoв шaҳрлa фaрзaндлйк мeҳри билaн битилгaн «Тoшкeнтнoмa» дoстoни aдaбиётимиз хaзинaсидaн мунoсиб жoй eглaдaди.

Устoдлaр бoшлaгaн эгy aнъaнaни дaвoм eттиргaн ҳoлдa, бу мaвзудин бoлуни тaлaб вa ўзгaришлaр нyстaи нaзaридaн ёритишлa қaдрe ёзилгaн Мaҳмуд Тоирнинг «Ниги Тoшкeнтнoмa» дoстoни тaрихий-филoсoфий, руҳий қaмoвнинг кeнглиги, ҳис-туйғуларнинг тoлoлрoн ифoдaси, рeaл тaрихий мaнзaрaларнинг aниқ тaсвири ҳaмдa нaзaри билaн aлoҳидa ажрaлиб турaди.

Мaмдaкaтигимиз Президентй Ислом Каримoв рaҳнaмoлигидa илoҳиoд йиллaридa бoлунай янгичa қийфa кaсoб eтгaн Тoшкeнтнинг aлoҳиoд Узбекистон дaвлaтининг қaйтa тикaниши вa ривoжлa-нишлaтич бeжис аҳмийaти, бу aзим шaҳaр ҳaётидaги энг ёрқин вa дoнoлoн сaҳифaлaр, пoйтaхтимизни жoну дилдaн сeвaдигaн, у билaн eтyрaнниб ишaйдигaн зaмoндoшлaрнинг сaмийий ўй-кeчинмaлaри бу дoстoндa ҳaрoрaтлй шеърй сaтрлaр вoситaсидa aтpoфдaнчa ёритиб турилaди.

Милaдий aдaбиётимиздaги янгилaниш жaрaёндaрининг ўзигa хoс oғoл ифoдaси бўлгaн мaзкyр асар aдaбиёт вa шеърйит ихлoс-дoнoлoридa, бaрчa китoбoхoнлaрдa кaттa ёзилгиш ўйгoтaди, дeб ишaрaтлa.



ЎНТИ ТОШКЕНТНОМА

(Достон-фахрия)

МУҚАДДИМА

Қадам олдим китобат учун,
Улуғ ишда ижобат учун,
Киндик боним томган туپроқда
Топганим бахт, саодат учун!

Миллатимнинг номи — мадорим,
Борлигидан бор ифтихорим.
Ўн саккиз минг бу одам аро
Ўзбекистон — танҳо дийрим.

Номус-орим асраб яшай деб,
Ифтихорим асраб яшай деб,
«Тошкентнома» дафтарин очдим,
Дилда борим асраб яшай деб.

Замин — ушкан, одам — бепойн,
Вале бошда биттадир осмон.
Осмон ости, замин устини
Ватан тутмиш хазрати Инсон.

Бу оламнинг тоғлари бисёр,
Бу оламнинг боғлари бисёр.
Шаҳарлар бор — дунёнинг шони,
Шаҳарлар бор — мангу ифтихор.

Барчасига биздан хуш салом,
Барчасига меҳримиз инъом.
Бу дунёда қурган, яратган
Савоб ила яшар бардавом.

Бироқ айтсам, Чочкент биттадир,
Бу дунёда Шошкент биттадир.

Ўзбекистон туғини тутган
Шарқ гавҳари — Тошкент биттадир.

Кимлар уни мадҳ айламаган,
Мадҳ айлашга беа бойламаган.

Эрдан ҳикмат эиёсин олаб
Эа кўнглига сўнг жойламаган.

Шуккур, борман шу сафда мен ҳам,
Хуш ниятда кўлимда қадам.

Кўз ўнгида юз отган Тошкент,
Ўзга марво, ўзга бир олам!

1 BOB

Сўзнмга жилвядор ажждлар ёди,
Сўзнинг султонлари, эзнинг устоди.

Тарих осмонда қолган кўёшлар,
Маврифат аҳлига абад дилдошлар.

Битган биттиклари — тарих садоси,
Ўтмишнинг оҳари, эллар нидоси.

Ҳикмат гулларидан ноёб гулдаста,
Аждодни авлодга этар вобаста.

Уларда битилган не-не сир-асрор,
Ўқиб, уққан киши бўлғайдир иқрор.

Шаҳрлар, қишлоқлар, эллар тақдирини,
Тирик тарих каби сўналар ҳар бири.

Ҳақнинг бандлари ҳақ ёзиш абад,
«Шоҳнома» да битмиш Фирдавсий ҳазрат.

Минг йиллар аввал ҳам Чочнинг камони,
Тенгсиз забот айламиш бутун дунёни.

Алпомиш келбагми ботир полвонлар,
Чочнинг камонини оруз қилғонлар.

Гўзаллик — азалдан кўзнинг шифоси,
Кимни мафтун этмас гўзнинг эиёси.

Тингласанг, товуш бор ҳар битта тошда,
Асрлар садоси шу кўҳна Шошда.

Низомий Ганжавий сўз айтиб зариф,
Тилдан бол томиб айлаган тавриф.

Тошкент — бу жаннатнинг жамоли, деган,
Ҳикмати — дунёнинг камоли, деган.

Қардошлар, қондошлар, дўсту дилдошлар,
Бу ҳаёт йўлида ҳамкор, йўлдошлар.

Тошкентни кўҳна Шарқ шони, деб билган,
Қадрини қабининг қони, деб билган.

Камол Хўжандийнинг¹ лутфидаги нур,
Шоир шеърларига бахш этган сурур.

¹ Камол Хўжандий — Темурийлар даврида яшаб яқол этган шайх ва шоир.

Одам шоирларин асл сулатони,
Назм осмони ҳам назм уммони.

Навойи шеърда наво тошган у,
Боқий алпборларда садо тошган у.

Шундай шараф тошган Шош овозаси,
Меҳрдан қурилган ҳар дарвозаси.

Шоҳ Бобур — назмда сўнмас бир бўстон,
Мардлик, матонати тутанмас достон.

Соғинч сарғайтирмиш гулдек юзини,
Тошкент воҳасида тошган ўзини.

Илоқ, Оҳангарон тоғлари ичра,
Паркентнинг жаннатий боғлари ичра,

Бузаган, тин олган, уйларга толган,
Шундами Хинд ёдин кўнглига солган.

Омолса ўзидан ўч олган Бобур,
Тошкент тупроғидан қуч олган Бобур.

Шош номин ҳар сўзда зорланиб айтган,
Ватангадоликдан орданиб айтган.

Бир он унутмади Андижонини,
Фақат соғинч оғли Бобур жонини.

Боболар тахтининг Куёши — Тошкент,
Боболар армони, кўз ёши — Тошкент.

Бир кўрган минг бора қайтиб соғинган,
Дийдор тилагида Ҳаққа сипинган.

Восифий¹ васф этган бу кўҳна шаҳар,
Куёшга дарвоза ҳамон — ҳар шаҳар.

Ўн олтинчи аср тарих саҳнида,
Ёрун из қолдирган сўз маҳзанида.

Бир асар бизларга мерос этилган,
Унда Шош беҳиштга қиёс этилган.

Фурқат тафаккурин чархи бўлган Шош,
Ҳам Фурқат меҳрининг тархи бўлган Шош.

Жаҳонгашталикка чорлаган ҳам у,
Бетакрор назмида порлаган ҳам у.

Боғларин боллари тилда қолган юрт,
Қут ҳам баракани Ҳақдан олган юрт.

Қодирий насрида қадри осмондир,
Аҳли байт жамланган мисли бўстондир.

Йил-йилга ўхшамас, армони — бўлак,
Ҳар асру даврнинг достони бўлак.

Кўнглига очилур кўнгли қўрғони,
Ўзбекнинг шоири, озар ўғлони.

Дарёдил, Хотамфеъа Мақсуд Шайхзода,
Дил дардин, эл меҳрин қилиб ифода,

¹Ишқибоддан Восифий — Амшер Навоийнинг замондоши, машҳур «Навоий ва Ҳаққон» асарининг муаллифи, XVI асрда Хиротдан келиб, Самарқандда яшаган.

Сузда садоқатдан кийиб жомани,
Элга туҳфа этди «Тошкентнома»ни.

Ойбек бадиб ёзган ҳар бир каломни,
Тошкент булбул қилган Фафур Ғуломни.

Икки дўст — Тошкентнинг икки дилбанди,
Кўҳна Шош маҳзида йўқдир монанди.

Тошкент татърифиди қалам тутган кўп,
Гоҳ қувонч, гоҳида алам ютган кўп.

Аслида, бу шаҳар дарддан яралган,
Соғинч сабосидан, гарддан яралган.

Тўфонлар ичидан тўлғониб чиққан,
Вале руҳлар кўлаб, уйғониб чиққан.

Эртанинг умиди сақлаган уни,
Бобо Шошйларим асраган уни.

Демангиз, Тошкентни тошдан яралган,
Мунаввар кўёш — кўз ёшдан яралган.

Сўзим аввалида қилдим тавалло,
Энди кўла кўксимда, дейман тасанно.

Юртим осмонида кеттандар руҳи,
Нек ишда мадаккор утгандар руҳи.

Шу боис тиз чўқдим она заминга,
Кўла очдим дуога, куч беринг менга.

Демангиз, бу ишни осон бошладим,
Минг бир хикоятда, ҳайрон бошладим.

Асли авлодларга бу дилномадир,
Хурият туҳфаси — «Тошкентнома»дир.

Ҳ БОС

Яратган оламни бино қилганда,
Шошни ҳам шу сафда имло қилганда.

Тутроғин барака бағридан олган,
Қўйнига жаннатий насимлар солган.

Неки ато этган — мўла қийиб берган,
Заминин чаманзор, гул қийиб берган.

Дехқони ер билан тиллаша олган,
Богони гул билан сирлаша олган.

Болари ҳар гулда чандон яйраган,
Кумри чаҳ-чаҳ урган, булбул сайраган.

Кўҳна Шош азалдан шундай яралган,
Ундан бу оламга ҳикмат таралган.

Тарих — бу мозийнинг таққини асли,
Тарих — ўчмас руҳлар ёлқини асли.

Зардуштий боболар хитоби ичра,
Муқаддас «Авесто» китоби ичра

Турон одамлари «Тур» деб аталган,
Қароргоҳи — «Қанга» — хур деб аталган.

«Махобҳорат»¹ — бу ҳинд ҳикмат қаломи,
Унда ҳам битилган Қанғаннинг номи.

Асми, милоддан ҳам минг йил илғари,
Мақон тутган дарё орти сақари².

Қадим Эрон шоҳи Шошур Биринчи,
Фатҳномасини очиб кўринг-чи.

Сосонийлар ила жангу жадалда
Чоқ аҳлини мардлиги битилган унда.

Араблар «Ч» ҳарфин билмай ўтганлар,
Шу сабаб Чоқ эмас, Шош деб битганлар.

«Мадинаг аш-Шошу» ҳам «Бинқат» номи
Араблар даврининг Чоқча «инъоми».

Кун келди пойтахти Мингўрик бўлди,
Кўрку салобати хуш кўрик бўлди.

Курдилар, буздилар минг йиллар аро,
Ким бахти қародир, ким бағри яро.

Миллатнинг шонидир — Шошнинг тарихи,
Асрий армонидир — Шошнинг тарихи.

* * *

Мингўрик, Мингўрик, эй қадим боғим,
Асрлар кўксиди ёнган чироғим.

Уйлаб уйларимга етмайман ҳамон,
Қалбимни қалқиттар минг бир титроғим.

¹ «Махобҳорат» — қадимий ҳинд эпоси.

² Сақлар — Осиё даштларининг чорвалар аҳолиси. Сўнгги археологик маъраумотларга кўра (С. Баратов) м.в. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида Тошкент воҳисида «амиротий сақлари» (дарё орти сақлари) яшаган.

Гулларнинг бўронлар совурдими, айт-д!
Жисминингни суронлар қовурдими, айт-д!
Ғаввали дунёда қанча гуллардинг,
Мингўрик, Мингўрик, уйайман шу пайт.

Кўзлар ҳам гул бўлган гуллаган пайтинг,
Хар дил бўлбул бўлган гуллаган пайтинг.
Сенинг гулларингдек боқира қизлар,
Пойингда қувнашган аёллар айтиб.

Дилдорлар диллашса, дил бўлар дунё,
Тинч бўлса, асмида, гул бўлар дунё.
Аждодлар мероси қадрин тошганда,
Ҳисмаглар жамганиб нур бўлар дунё.

Эй, ун уч аср¹ ичра таралган нурим,
Минг йиллар нарида товланган дурим,
Санъат самосида шарафлар тошган,
Мингўрик, Мингўрик, қадримсан, кўрим.

Дунё талашгандар дунёдан кетди,
Тупроқ остидалар эйдан кетди.
Сен-ку, тушмагайсан абад тиллардан,
Сени вайрон қилган — дуодан кетди.

Асрлар кўҳна Шош пойтахти бўлиб,
Миллатнинг гурури ҳам тахти бўлиб,
Булуи-чи, табаррук номинг яшайди,
Мингўрик — Мингўрик дарахти бўлиб.

¹ Мингўрик — ун уч аср мобайнида Шошнинг пойтахти бўлган.

Бир кунда қурилмас ҳеч битта шаҳар,
Бир кунда бузишар қасд қилса агар.

Икки минг икки юз йиллар ичинда,
Не дардлар кечмади диллар ичинда.

Неча бор қурилди кўҳна Шошимиз,
Бузилса тош ювди кўзда ёшимиз.

Абадий дунёда умри онийлар,
Сомонийлар ёки қорахонийлар.

Гоҳида қалб меҳрин тафтига олади,
Гоҳ кимдир қадрининг заботига олади.

Мўр-малах мисоли мўғул тавади,
Қасру қалъаларга оташ қалади.

Доду фарёд билан ўтган у кунлар,
Рухларнинг оҳида бергайдир унлар.

Дунёда элатлар, эллар бисёрдир,
Кимлар ҳур, кимлар қул, тўғ ва ноҷордир.

Хар кимнинг ниёти йўлдоши бўлмай,
Эътиқод, имони қўлдоши бўлмай.

Умидсиз қилмаганай умидли дунё,
Чин дилдан сўранганга, бергайдир Худо.

Кўҳна Кеш замини ногоҳ тўлғонди,
Бағрида порлаган нурдан уйғонди.

Барча кароматлар Парвардигорда,
Бир ўғмон туғилди Хўжа Илгорда.

Миқлат ори бўлди, соҳиббирони,
Амир Темур олди ярим дунёни.

Азиз-авлиёлар қўлини тутди,
Пири комилларнинг йўлини тутди.

Масжиду мадраса, макбара дейин,
Шошнинг бағрида ҳам кўрсатди бўйин.



Адават туғини тутиб самода,
Буюк номи қолди кўҳна дунёда.

Тарихда битмишлар — Сулатони шариф,
Шошга сажкиз бора буюрган ташриф.

Юришлар олдидан фикру уй қилган,
Жаҳонгир Мирзога шунда туй қилган.

Хар бир ташрифидан кутлуғ из қолган,
Савобу саховат, ёруғ ноз қолган¹.

Бир-бир санаш мушқуа хонлар номини,
Хеч ким тўлдирмади ҳаёт жомини.

Ким қазган чоҳининг қурбони бўлди,
Кимдир элнинг оқид сарбони бўлди.

Аммо боқий эмас ҳеч ким дунёда,
Омас насиб этганидан эиёда.

Ким қурди — ортида Қуёш қолдирди,
Ким бузди — ўзига қарғиш олдирди.

* * *

Бутун қадим Шошнинг чироғи бўлиб,
Илму маърифатнинг маёғи бўлиб,

¹ Амир Темур пинмоғта юриш даврида Тошкентга 1361, 1364—1365, 1367—1369, 1390—1392, 1404 йилларда бўлган. Низомиддин Шомий қолдирган манбаъарга кўра, 1367—68- йилларда Тошкентда Соҳибқирон «амир Кайхусрав киши Рухияни ўғли Жаҳонгирга туй қилиб олиб берган. Шаҳрда бир ой туй бўлиб, вақтуларини завқу сафола ўтказдилар». Тошкент. — Энциклопедия — 2009, 72-бет.

Кўҳна обидалар порлаб турибди,
Одамни бағрига чорлаб турибди.


Хўжа Аъламбардор маъбараси бу,
Шайх Зайниддин бобо мартабаси бу.

Шайх Хованди Тоҳур, Бароқхон бобо
Рухи покларидан олгани дуо

Бутун келувчилар турнақатордир,
Кўкамдош кўҳна-ю, хўб турвиқордир.

Абулқосим Шайхнинг мадрасаси ҳам,
Нуру эиё сочар ўзидек кўркам.

Хазрати Имомнинг макмуасида,
Хар дилда ноз очар минг бир қасида.



Минмул Тоир

OLYVA ORTA MAHSUS TALIM VAZIRLIGI
TOSHKENT WILoyATI SHIRSIYASI
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Кўринг, Қаддирғочбой, Эанги отани,
Эиэратга келган кичик-каттани.

Чехрасида офтоб, сўзарида боа,
Тақдиридан рози, умридан хушқоа.

Минг йиллар наридан сўйлаш кўп қийин,
Тарихнинг бўйига бўйлаш кўп қийин.

Чунки бу кунларга осон келмадик,
Рухлар армон қилар: «Омон келмадик!»

Тилдан айирганда диллар сўзалади,
Дилдан айирганда иймон бўзалади.

Комига тортганда Сибир сургуни,
Миллат мардларининг биттанди куни.

Мисоли кўринмас шамол кетдилар,
Эаннинг фарзандлари увол кетдилар.

Кўхна Шош бағрида минглаб шахидлар,
Қанча азаобларнинг овози бордир.

Шафқат қилмади ҳеч қонхўр палидлар,
Эву юрт бу дарддан ҳамон абордир.

Йигирманчи йиллар, йигирма минг чоҳ
Шўролар миллатнинг шўри бўлди-ку!

Ўттизинчи йиллар, эву юрт тувоҳ,
Маврифат аҳмининг гўри бўлди-ку!

Эвда очарчилик, хорлик ҳам зорлик,
Ингилоб сўзини еб бўлмас эди.

Бу дунё кўзларга қилса ҳам торлик,
Бир оғиз ҳақ сўзни деб бўлмас эди.

Иаму иршод истаб, чироқ туттанин
Кўларин боғлашди, тўсишди йўнин.

Хурлик деб эл ичра байроқ туттанин
Холни хароб қилиб, кесилди тилин.

Маврифат ўчоғи — кўхна Шош забуң,
Эиндонга ситмасди бутун бир миллат.

Кўп ўйлаб ўтирмай айтилди шу зум,
Қатгоҳ керакдир, қатгоҳ алабат.

Алвасти кўлрик¹, эй, Алвасти кўлрик,
Номингта лаънатлар ёрилган сенинг.

Бағрингда фарёду фақат дод кўрдик,
Минглаб жонни ютиб чиқмади унинг.

Бўэсувнинг бўйида алвасти,
Фаразнинг куйида алвасти,

Шунча узун эканми дасти,
Қайга кўмди бобоаримни?²

Чоҳинг шунча чуқурмиди, айт³!
Дийданг шунча сўқирмиди, айт⁴!

Мен бўэайман Бўэсув бўйида,
Қайга кўмдинг доноларимни?⁵

¹ Мустабилмик даврида «Шахидлар хотираси» ёдгорлик макмуаси барпо қилинган мискан тарихда Алвасти кўлрик деб аталган.

Уч қатгаоҳ, уч дузах сенда,
Кундуз кўрдиб, отдингми тунда.
Ўн уч минг¹ жон ётурми шунда,
Қандай кўмдинг бобоаримни?

Бирин боши, бирин кўлида,
Ким бор билмас ўнгу сўлида.
Не армонлар кетган дилида,
Қандоқ кўмдинг бобоаримни?

Ўздан чиққан лаганбардорлар,
Ўз элига тикканми дорлар?²
Сўрар ахир иймони борлар,
Қайта кўмдинг бобоаримни?

Қодирий — бу қабимдаги шон,
Юз йилда бир келарми Чўлпон,
Кўлдан кетди энг нодир имкон,
Қайта кўмдинг донодаримни?

Маврифатда ҳар бири булбул,
Эдбек, Боту увол кетган гул.
Мингта булбул, минг дастада гул,
Қандоқ кўмдинг бобоаримни?

Конга тўлган ҳаёт жомларин,
Эрта ботган умр шомларин,
Қандоқ санай бир-бир номларин,
Қайта кўмдинг бобоаримни?

¹ Адавати кўприкда 3 та қатгаоҳ бўлган. 1937—53-йилларда қатгаонга учраган вағдалошларимизнинг 13 минг нафари айнан шу ерда отиб ташланган.

Бўзсувнинг бўйида алаести,
Қимда кимнинг бор эди қасди?²
Ларнат сента хиёнат дасти,
Қайта кўмдинг бобоаримни?

* * *

Инқилоб, изингта ўт тулшин,
Инқилоб, сўзингта ўт тулшин,
Инқилоб, ўзингта ўт тулшин,
Сени тилаб олганмидик, айт?¹

Сен келгансан шимола шаклида,
Гўё элга камол шаклида,
Поён топдинг завод шаклида,
Сени тилаб олганмидик, айт?¹

Сен Ленинни осмон қилгансан,
Сталинни султон қилгансан,
Оддий халқни қирон қилгансан,
Сени тилаб олганмидик, айт?¹

Бойлик ташиб толди вагонлар,
Неки топса, олди вагонлар,
Русияда қолди вагонлар,
Сени тилаб олганмидик, айт?¹

Бешпикарда бўзлаган бола,
Онасини излаган бола,
Ўзбекистон, эй қадим нола,
Бизлар шунча толганмидик, айт?¹

Душман ичда бўлса, кўп ёмон,
Хорланган эл яшайди ношон.
Саксонинчи йилда ҳам ҳамон,
Сени тилаб олганмидик, айт! 21

Йигирманчи аср ташвиши,
«Пахта иши» — Г дян қилмиши.
Асли қизил салтанат иши,
Сени тилаб олганмидик, айт! 21

Хар нокаста букилса тизлар,
Кеч очилса шунчадар кўзар,
Демак, миллат юз йиллаб бўзар,
Маломатга қолганмидик, айт! 21

Армони кўп бу кўҳна Шошнинг,
Адоғи йўқ кўздалти ёшнинг,
Тилаб олган ёмғирли бошнинг,
Селобида қолганмидик, айт! 21
Сени тилаб олганмидик, айт! 21

* * *

Ким айтади кўҳна тарихнинг
Армонларин адоғи бўлган,
Боболарнинг кўрлари надир,
Юрагида қадогои бўлган!

Хар куннинг ўз ташвиши бордир,
Хар кунда ҳам умид юз очар,
Кимдир сента гулдаста тутса,
Кимдир атай кўзага туз сочар.

Кўҳна Шошнинг тарихи — азал,
Хар онига минг дафтар керак.
Хаксияликдан титрайди вужуд,
Эркинликдан энтикар юрак.

Ўтмишимиз — азоб овози,
Яқин тарих — хорликнинг юзи,
Бутун бир эл пешонасида —
Ажин эмас, машаққат изи.

Ризқ сўрашдан аввал оқиллар
Элга одил пешво сўраган.
Подшо сўрса — Соҳибқирондек —
Бу оламда якто сўраган.

Ким кўрибди ётларни келиб
Эл корига яраганини.
Кутар эли асрлар элим
Раббисидан сўраганини.

Хар ниётнинг аввали Худо,
Чироғини тутгайдир ўзи.
Керак эли ахир бу элга
«Ўйгон!» деган бир марднинг сўзи.

Ниётлари босафо элнинг,
Нидолари етгай Худога,
Бир оқиннинг шафогати-ла
Нугта кўйгай асрий жафого.

Келди шундай замон хунафас,
Берди Аммоҳ элга Сарбонни.
Эълон қилди бутун оламга
Хуррияттин Ўзбекистонни!

Минг тўққиз юз тўқсон биринчи
 Ҳам августнинг ўттиз бирида.
 Одам кўрди ўзбекистонни,
 Хуррият Ҳумосин нурида.

Ўзбек кимнинг оққипин олади,
 Кимларнингдир дўқу дашномин,
 Муҳради лек минг-минг қалбларга,
 Миллат ўз бир мардининг номин.

Одам аҳли билди ўшад куч,
 Бордир унинг ўз тамойили.
 Сиёсати инсонийликдир,
 Энди бўлмас ҳеч кимнинг қули.

Ва ниҳоят қадим Шошнинг ҳам
 Кулиб отган тонгларин бўлди.
 Ҳар жаранги жонга уланган
 Мустақиллик бонгларин бўлди.

Яхши кўнни тўйламоқ яхши,
 Лекин бирдан кетмадик куйлаб.
 Ҳар бир қадам ўйлаб босилди,
 Ҳар бир сўз ҳам айтилди ўйлаб.

Амир Темура мерос қолдирган,
 Адилатнинг туғини тутдик.
 Тенг кўрганга бағримиз очиб,
 Ҳасад, фараз, кинни унутдик.

Ававал руҳлар ризосин тилаб,
 Қадимизни озод этдик биз.
 Юртимизни обод айлабон
 Эа кўнглани обод этдик биз.

Шу кўнарага етолмай кетган,
 Невматларин тоғолмай кетган,
 Ваганим деб дунёдан ўтган,
 Бу мажмуа уларнинг шони,
 Шаҳидлар хотира майдони.

Бунда Буъсув оқлади соқин,
 Ним-ним сўқиб қирғоғи чоқин,
 У — дарёмас, дарди бир оқин,
 Шунда оққан уларнинг қони,
 Шаҳидлар хотира майдони.

Бунда Куёш оқ билан турар,
 Тунда осмон Моҳ билан турар,
 Миллат нури, чироғи улар,
 Чорлаб кўйинг майин сабони,
 Шаҳидлар хотира майдони.

Феруза ранг гўмбаз остида,
 Фозгон мармар, ганжлар устида,
 Кабр турар миллат дастиди,
 Тарқ этмангиз сиз ҳеч дуони,
 Шаҳидлар хотира майдони.

Қагагонда кетган қурбонлар,
 Расмлардан термилган жонлар,
 Шу музейда тоза йимонлар
 Сурагидан кўрар дунёни,
 Шаҳидлар хотира майдони.



Майли бўзлар, майли оҳ урар,
 Бунда тарих тирилиб турар,
 Буюк бир эл кўнгилига кирар,
 Меъморидир юртнинг Сарбони,
 Шаҳидлар хотира майдони.

* * *

Хар гўшаси хиёбон,
 Хар кўчаси гулзордир.
 Бугун Тошкент оламга
 Тинчлик учун тумордир.

Амир Темур номида
 Хиёбон бор кўп аъло,
 Чор тарафи улуғвор
 Чор тарафи нур, зиё.
 Тангри тутган тулпори,
 Соҳибқирон остида.
 Алолат шамчироғи
 Нур сочади дастида.

Етти аср оламда
 Буюк зотнинг номи бор.
 «Куч — алолатда» деган
 Абдий қаломи бор.

Ҳақиқат қарор топиб,
 У з ўрнига келгунча,
 Эл тилидан тулмаган,
 Суз ўрнига келгунча.

Бу хиёбон не зотлар
 Турин, тусин кўрмади,
 Эл талаган, юрт бостан
 Итлар исин кўрмади.

Илк бор зодим Кауфман
 Хайкалини кўйишди,
 Инқилобдан сўнг эса,
 Ундан ҳам хўб тўйишди.

«Озод меҳнат»¹ тимсоли
 Пайдо бўлди бу жойда.
 Меҳнат эмас, машаққат
 Охи эди ҳавода.

¹ 1918 йили бу хиёбонга «Озод меҳнат ёлғорлиғи» кўйилган.

Уни кўйди, бўлмади,
Бунисидан куйишди.
Кун келди... қирқинчи йил,
Сталинни кўйишди.

* * *

Қаҳридан қон томган зот,
Сафдошлардан тонган зот,
Турди бунда ғурур-да
Эл қонига қонган зот.

Тилинг тишлаб юрган эл,
Қўлинг тишлаб юрган эл,
Шўроларга ишониб,
«Дилинг хушлаб» юрган эл.

Салом бериб шу зотга,
«Олқиш» ўқиб ҳаётга,
Ори ўртаб ётса ҳам
Чидади шу фарёдага.

Тарих, сенинг тошинг бор,
Қўзинг тўда ёшинг бор,
Наҳот, ахир юз йилмаб
Заҳар солган ошинг бор?!¹

Кеч очилди бу кўзлар,
Кеч айтилди бу сўзлар.
Сталиндан қолгани —
Қон излар... қонли излар!

* * *

Йил келди олтмиш саккиз!¹
Яна бир янги қарор —
Энди Маркс хайкали
Турди бунда барқарор.

Хиёбондан ўтганлар,
Унга тавзим қилдилар,
Гўёки ғарбдан чиққан,
Қунга тавзим қилдилар.

Аммо шундай дейман-у,
Томиримда зардоб бор.
Бундан ўтган ҳар дилда
Хурриятга хитоб бор.

Юзи қулган ўзбекнинг,
Қўзи қулган ўзбекнинг,
Юраги йиғлар эди
Ўзи қулган ўзбекнинг.

Бу хиёбон, асмида,
Не зотларни кўрмади,
Хурралик деб ўтган эрдар,
Не додларни кўрмади.

Кун келди юрт кўкида,
Балқиди қуттан Қувёш,
Ўзбекнинг асл қадрин
Қўлига тутган Қувёш.

¹ 1968 йил кўзда тутилмоқда.

Мустақиллик тутини
Баланд кўтарди Сарбон.
Кутлади дусту ёрлар,
Кутлади руҳлар шоён.

Амир Темури номида
Хиёбон бор кўли аъло,
Чор тарафи улуғвор,
Чор тарафи нур, зиё.

Асмида бу хиёбон —
Хуррият хиёбони,
Адолат нурин сочган
Хур ниёт хиёбони.

Таралади шу жойдан
Гўё тинчлик жаранги.
Хушёрликка хитобдир
Тошкент курантин занги.

IV БОВ

Кимнингдир хурмати — сўз аввалида,
Кимнингдир иззати — туз аввалида.

Лекин Яратган гар дилларга солмас,
Ҳеч кимса хурматни тилаб ололмас.

Хурмат тошгандар кўли бу кўҳна Шошда,
Иззат тошгандар кўли бу кўҳна Шошда.

Матрифат боғига кимки гул экинши,
Кўнгиладар кўзига, асли, нур экинши.

Хурмат самосида боқий тургандар —
Ҳар иш аввалида элни кўрганлар.

Эл ахтармас, мен ўзимни топмасам,
Эл эшитмас, мен сўзимни топмасам.

Элнинг кўзидаги нурдир — Навоий,
Элнинг дилидаги дурдир — Навоий.

Асрлар ортидан эсан хуш ҳаво,
Асрлар ортидан таралган наво.

Миллат тафаккури тоғидир уа зот,
Миллат маърифати боғидир уа зот.

Кўздан кўзга тушар кўзинг саломи,
Сўздан сўзга тушар сўзинг саломи.

Ҳар фасл ичинда гулга жой бордир,
Дил ичра ҳамиша дилга жой бордир.

Ҳеч сўлниш билмаган гулдир Навоий,
Ҳеч сўниш билмаган дилдир Навоий.

Миллат кўлидаги ҳикматнинг жоми —
Навоий тўлдирган нурнинг кадоми.

Такрорда товданган ҳикмат — Навоий,
Олгани ҳаётдан ибрат — Навоий.

Кўҳна Шош, асмида, миллатнинг юзи,
Бутун кўҳна Шошда дунёнинг кўзи.



Давлат қудратининг тимсолидир у,
Миллат ҳикматининг камолидир у.

Шарқнинг дарвозаси, у — Шарқнинг кўрки,
Осмондан тушмаган, шу халқнинг мулки.

Хар қарич ерида бир зот шарафи,
Тириклик шарафи, ҳаёт шарафи.

Кўеп осмонига ҳавас-да чиқар,
Улуғлар иззатин тиклаган шаҳар.

Миллий боғ ағампиш Навоий боғи,
Дегайсиз, у мисли жаннат кўчоғи.

Вале айт, аё дўст, у қайдан келди,
Кўепдан тушдими ё ойдан келди?

Навоий — то абад шарафланган зот,
Дек аввал бунчалар этилганми ёд?

Истиқом илк йилни ҳурмат, мақоми,
Ҳазрат номи бўлди — Навоий номи.

Навоий ҳайкалин пойида бу кун,
Тавзимда турибди эл-юрт бус-бутун.

Навоий авлодлар камолни тилаб,
Кўҳна Шошнинг боқий камолни тилаб,

Назмида янградиб дил садоларин,
Рухидан тўқмишдир хуш дуоларин.

* * *

Бутун кўр, аё дўст, Навоий боғин,
Қабингда ёққайсан ҳавас чироғин.

Ҳар ниҳод, ҳар дарахт боғнинг виқори,
Бир кўриб кетганинг туттай хумори.

Ҳикмат булоғидан сув ичган улар,
Ҳазрат шуккуҳидан нур қуچган улар.

Бунда мажнунтолар тавъимда туртай,
Булбуллар бол тўкиб назмда туртай.

Кувешга бўйи чўзган ҳар бир қаратай,
Оқбадан қайиналар зулфин таратай.

Дарахтлар — аслида тутпроқ фарзанди,
Замин кўксин эмар илдизи, банди.

Кўкарган жойида юртнинг юзидир,
Шу элнинг кўкдаги кўркем сўзидир.

Бутун азиям Тошкент боғлари — бисёр,
Бағри доим баҳор, гўзал, мафтугункор.

Аmmo миллий боғ — бу миллат гурӯри,
Шунда таралмишидир Наврўз сурури.

Бу байрам — кўкламнинг тонгида олқиш,
Бу байрам — меҳнатнинг бонгида олқиш.

Энг улуғ, энг азия байрам ҳам шунда,
Бундай байрам бўлмас кўҳна очунда.

Бу байрам — тинчлик ҳам дурлик парвози,
Бу байрам — бахтга ёр халқнинг бахт сози.

Бу боғда боқий бахт баҳори бордир,
Бу боғнинг гуллари гурӯрдир, ордир.

* * *

Тошкент бўйлаб эйлол-эйлол оққан сувлар,
Кўҳна Шошнинг кўксига гул таққан сувлар,

Ҳар бир жонга зам-замдайн ёққан сувлар,
Хуш дуоси кафтга ситмас наҳорингдан,
Айманайин, Тошкент, сенинг Анҳорингдан.

Бу сувларда Тангрининг хуш каломи бор,
Чотқол тоғин аҳли Шошга саломи бор,
Бордир, яна ҳар нигоҳга ороми бор,
Бодарига бол улашган баҳорингдан,
Айманайин, Тошкент, сенинг Анҳорингдан.

Имарингга қоламиш қанча жаннат боғлар,
Гул тутгандар аввал ўзин дилдин чоғлар,
Кучоғингда қулоч отмиш вақтичоголар,
Бўжув¹ дейми, Қорасув ё Саворингдан,
Айманайин, Тошкент, сенинг Анҳорингдан.

Чирчиқ дарё тўққин-тўққин тоғдан келар,
Тошкент дебон сою қиру боғдан келар,
Анҳор десам, кўнглим тўлар, кўзим тўлар,
Ичқилик ёмон, қуймасин ҳеч шу борингдан,
Айманайин, Тошкент, сенинг Анҳорингдан.

¹Қириқ кучида ҳам Тошкент шаҳри бўйлаб Буъсув, Садор, Анҳор, Навоий, Оксбўрон, Бўриқар, Оғстапа, Қорақамиш каби 8 та кандак йилди.

Културм сувга зор ўтганлар қанча бўлган,
Одам ўртар Орол охи анча бўлган,
Жаннат бўлса, кўҳна Шошим, санча бўлган,
Файз ёғилмиш ҳам барака дийдорингдан,
Айланайин, Тошкент, сенинг Анхорингдан.

* * *

Булок Ипак йўли чорраҳасида,
Дунёга очилган Шарқ дарвозаси.
Манзили, аслида, нур даҳасида,
Шу сабаб таралган хуш овозаси.

Туркий элатларнинг Чингиз оғаси¹,
Тошкент таърифиди дарёдай тўлган.
Ўрта Осиёнинг Византияси, —
Деган-да, диёрим мафтуни бўлган.

Кимлар келмадилар азим Тошкентга,
Хар азия меҳмонга очди кўчогин.
Одам пешволари, президент, шоҳлар
Тавоф айладилар Шошнинг тулпрогин.

Хар кимнинг хар дилда ўз ташбеҳи бор,
Деги: — Ўзбекистон висоми — Тошкент.
Ўзгаси юз чандон қилиб ифтихор
Деги: — Ўзбекистон тимсоми — Тошкент.

Ягона Ватан бу, ният муштарак,
Ушалган орзулар миллат тандамас.
Бунда эзгуликка ташна хар юрак,
Хурлик руҳи қалбда бахтта ҳамнафас.

¹ Чингиз Айтматов кўзда тутилмоқда.

* * *

Кисе излаб, қоним кўшай андозангта,
Айттин, қандай шон кўшайин овозангта,
Шеърларимни тумор қилдай дарвозангта,
Шарқ шухрати ўзингсан-ку, шоним Тошкент,
Чиройингта ойна бўласин жоним, Тошкент.

Қалр лойин қалдиригочлар қоролгайлар,
Кўшқин излаб айвонингта боролгайлар,
Майсалар ҳам Тошкент деса тош ёргаёлар,
Маккадаги кўшлар қайтар, доним Тошкент,
Кимлар демас сени бу кун «шоним, Тошкент».

Тилда Шайхнинг масжидида тиз чўкканлар,
Хазрат Имом мажмуида дил тўкканлар,



Каффола Шоший хикматларин хўб уққанда,
 Бир-бир айтсам осмон бўлар орим, Тошкент,
 Таврифнингда тўкким келди борим, Тошкент,
 Кирмоқ бўлса кимки тўзад кошонангта,
 Шаҳрим аввал меҳрин тўксин остонангта,
 Бошинг узра айланай мен парвонангта,
 Саодатнинг саройисан, сўлим Тошкент,
 Тошкент деса уэта сифмас элим, Тошкент.

Икки мингу икки юз йил умр йўли,
 Асли, тўзад пойтахтимнинг гурур йўли,
 Ўзбекимининг дуолардан тушмас кўли,
 Омон бўлгин, обод бўлгин, шоним, Тошкент,
 Чиройингта кўзгү бўлсин жоним, Тошкент.

Ч 606

Эзгулик аркаси — майдон аввали,
 Шу улуг даргоҳга рамзий дарвоза.
 Юз ўлчаб бир кесган Юртнинг Сарвари,
 Жами тўзалликка бу бир андоза.

Оштоқ мрамрлар — бу оқ, ойдин тилак,
 Парвозга шайланган лайлак, турналар.
 Кўрку жамолидан энгикар юрак,
 ЭЗГУЛИК деган сўз дилга нур тарар.

Бунда тинчлик тилар лайлаклар хушҳод,
 Фаровонлик тилар турналар элга,
 Хурлик ҳаловати бахш этган иқбод —
 Шодлик шадодадек сифмайди дилга.



Тўзаллик асрайди, дераар дунёни,
 Дилнинг сунчи бўла, гуанинг сунчи.
 Эзгулик аркаси бўйлар самони,
 Хар битта устун — тинчлик таянчи.

Оштоқ поёндозми равон йўлакдан
 Хурлик қадамларин ташлаб борурсан,
 Кўксинг тоғ бўлади эзгү тилакдан
 Ўзинг, эминг учун сўнамас гурурсан.

* * *

Ким орзу қилмайди Тошкент ҳавосин,
Тинчликдан товланган еру самосин?¹

Шаҳарлар ичинда бир гавҳар шаҳар,
Гавҳарлар соҳиби бир зарғар шаҳар.

Пойтахт деган сўзнинг пойидаги нур,
Тиллога тенг эрур лойидаги нур.

Шу гўзад шаҳарнинг кўркам бир шони,
Қадим Шошимизнинг азим майдони.

Бунда оқ лайлақлар — Худойим наъзи,
Яхшилик, оқиллик, хуш ниёт тарзи.

Тинчлик ҳукм сурса, қай манзил, роҳда,
Турармиш лайлақлар битта оёқда.

Бунда турналар ҳам жавон урмишлар,
Тинчлик устунига кўниб турмишлар.

Лекин майдоннинг ҳам бордир ўтмиши,
Заҳрдан қон томган қаҳратон қиши.

* * *

Қизил майдон, қип-қизил майдон

Бўлган аввал бу азим даргоҳ.

Бунда асли ҳар қарич ернинг

Бағри пора, кўкси тўла оҳ.

Юрт тадагган қонхўр жаллодлар,
Ўзадрита «Оқ уй»¹ қургандлар.

¹ Туркистон генерал губернаторининг қароргоҳини халқ «Оқ уй» деб атаган.

Губернатор гумаштадари
Қатор-қатор шоҳ уй қургандлар.

Собор қурган гайри дин учун,
Бор-будини шунда жамлаган.

Собор ила «Оқ уй» орасин
«Қизил майдон» дея номлаган.

Қизил майдон, қип-қизил байроқ,
Асли халқнинг заводи бўлган.

Қизил майдон ва қаро кунлар,
Туркистоннинг увови бўлган.

Инжиқобнинг шамоли келди,

«Оқ уй»ни ҳам ташлаб қочдилар.
Шўролар-чи, «Оқ уй»ни бу дам,
Музей² деган номда очдилар.

Хукуматнинг уйи қурилди,
Ўзгартирди майдонни яна.

«Ленин номи қизил майдон» да
Ўтар бўлди барча тантана.

Шунда ўтди ярим аср муъ,
Мустабидлар урҳо-урҳоси,

«Тўғри йўлдан кетипсизлар», деб
«Йўл кўрсатди» шўро даҳоси.

¹ «Оқ уй» 1918 йили Ўрта Осиё музейига айлантирилган. Кейинчалик «Оқ уй» ўрнига ҳукумат уйи қурилди. 1936 йили бу бино олдига Ленин номида кўрилди. 1975 йил 20 октябрда майдон ўртасига Лениннинг номи билан янги ҳайкали ўрнатилди.

Бирок «даҳо» йўли асдида
Бенаволик йўли бўлганди,
Ҳасрати бор, дарди бор элга
Бедавонлик йўли бўлганди.

Не оқимлар бошига етди
Бу йўлларнинг жабру жафоси,
Етти қават самони тугдди
Хорлик кўрган эл-юрт нидоси.

Бу кунларга осон етмадик,
Бутун кимлар нимадар демас.
Бундан Ленин хайкалин олмақ
Куш оғзидан чул олиш эмас.

Энди бутун бу қутлуғ майдон —
Ўзбекистон шонининг нури.
Бир юз ўттиз миллат, элатнинг
Бир мушт бўлган жонининг нури.

* * *

Муस्ताқиллик майдонин асми,
Ўз ҳикмати, фалсафаси бор.
Бунда доим — йилнинг тўрт фасли
Хурриятнинг хуш нафаси бор.

Кетмас бўлиб келади баҳор,
Фавворалар макнун ёзида,
Маръос кузи мангу мафрункор,
Оқ тилак бор киш аёзида.

Булутлар ҳам бунда мастона,
Куёш билан ор талашади,
Ногоҳ келган булбул ҳам ёна
Турна билан тор талашади.

Хар қадамда боқий гўзаллик,
Хар бир тошнинг ўз таровати,
Минг қасида, минг бир ғазаллик,
Бахш этгувчи дил ҳадовати.

Достонининг авжи пардасин
Назлимда мен ёза бошладим.
Ва туйганим армон қатрасин
Дил ишига тиза бошладим.

* * *

— Армон нима, аё дўст?¹
— Адам билан ўтмоқдир.
— Ажал нима, аё дўст?²
— Келмас бўлиб кетмоқдир.

— Соғинч нима, айт, соғинч?³
— Кутиб толган кўзларинг.
— Йиғи нима, айт, йиғи?⁴
— Кўз ёш ювган юзларинг.

— Сабр нима, аё дўст?⁵
— Бечоранинг бардоши.
— Кабр нима, аё дўст?⁶
— Кабр — пешона тоши.



- Хотирага не дейсан?
- Дилда ўлмаган одам.
- Кимлар дилда ўмайди?
- Элда ўлмаган одам.
- Бошда турган руҳ нима?
- Кўнглининг соябони.
- Азия маконингги айт?
- Хотира хиёбони.

* * *

Хотира хиёбони,
Хотира хиёбони ...
Номи бор-у, ўзи йўқ
Адамнинг биёбони.

Тўрт юз эллик минг одам,
Тўрт юз эллик минг мотам.
Тўрт юз эллик минг уйдан
Таралган минг оҳ-нодам.

Эннинг йўқлов уйи бу,
Дилнинг йўқлов уйи бу.
Мангу ёнган бу олов,
Мангу тинмас куйи бу.

Жангтоҳда қон юттанлар,
Тинчлик деб жон туттанлар.
Хулони унуттайди
Уларни унуттанлар.

Озода хаё билан,
Минг уй, минг савол билан,
Бунга бошинг эгиб кел,
Кўнгилда ҳам дол билан.

Хотира хиёбони,
Хотира хиёбони,
Бу муқаддас жойда, бил,
Рухларнинг тирик жони.

«Номаълум солдат» бўлди,
Тоғ эди, бир гард бўлди,
Йўлин зор куттанларга
Адо бўлмас дард бўлди.

Хурлик шамоли келди,
Юртнинг камоли келди,
Элга ўзи бекиниг
Мардлик армоли келди.

Ўйлаб топган қай бир кас,
«Номаръуми солдат» эмас.
Хоки ёт элда қолган
Ўғлон эди хушнафас.

У қондаги гуҳарим,
Қабимдаги жигарим.
Унингсиэ неча уйлар,
Неча дил абад ярим.

Номи қайтди элгга,
Милёнларнинг дилгга,
Юртбоши чироқ ёқди
Хар шахиднинг йулгга.


* * *

Хотира хиёбони,
Қирқ икки устунни бор.
Хар уйилган нақшда
Эд дардининг уни бор.

Йигирма саккиз тоқча,
Йигирма саккиз китоб
Тўрт юз эллик минг одам
Номидан қилар хитоб.

Бунда унгувчи гуллар
Оловдан сув ичгайдир,
Рухлар Топкент кўкида
Гул рангида учгайдир.

Мотамсаро онанинг
Пойида хуш дуо қил,
Дунёга тинчлик сўра,
Худойингга нило қил.



Қанча дашнатинг бўлса,
У руш деган сўзга от,
Ёт элга курул билан
Қириш, деган сўзга от.

Бу — миллат онасидир,
Абдий мотамсаро.
У — армоннинг дийдори,
Сөгинчдан қабри яро.

Мустақиллик майдони —
Дард сочилган парчаси.
Хотира хиёбони —
Абадийт арчаси.

Лек бир дардни шу дамда
 Айттим келди, аё дўст,
 Бу дунё бағрин тилар
 Ҳамон фараз, риё, дўст.

Душман зоти тош мисол,
 Иўлингдан ногоҳ чиқар.
 Агар сен бепарвосан,
 У доним огоҳ чиқар.

Шу майдонда эди-ку,
 Террор қонли режаси.
 Ногоҳ портаган бомба,
 Жаҳлатнинг нафаси.

1999 йил, 16 февраль!

Айт, нелар демадилар,
 Дунёга жарлар солиб.
 Юртбоши омон эди,
 Ҳақиқат эди ғолиб!

Аммо эзнинг қабрида
 Адолат юз очгунча,
 Кўнгилларнинг кўзидан
 Ишонч нурин сочгунча

Мансабпараст кимсалар
 Топмади нелар ўйлаб.
 «ГКЧП» қарори
 Тарқалди эл-юрт бўйлаб.

Сисий авантюрист
 Қаллобдорнинг қилмиши,
 Қўлларга қуроол берди
 Фанимларнинг миш-миши.

Фарона, Гулистонда,
 Бўка, Уш, Наманганда,
 Бегуноҳ қон тўкилди,
 Паркентдек бир чаманда.

Сафингдан бевақт кетган
 Кўзингдан чиқмас чулдир.
 Асли пойтахт аҳлин ҳам
 Дилдида охи кўлдир.

Жон берганнинг жондоши
 Бўтадек бўзлаганда,
 Дарё ёши кўзида
 Ҳақиқат излаганда,

Ўзбекистон осмони
 Булутдан чок-чок эди,
 Ҳар ўлган мотамида
 Бутун эл ғамнок эди.

Эл бошига иш тулса,
 Кўр марднинг бардошини.
 Халқ ичра от устида
 Кўрдилар Юртбошини.

Драгтан ўзи шохид,
 Эл омон, ният омон,
 Бутун дунёга бўйлар
 Озод, ҳур Ўзбекистон!



Шу майдон тимсолида,
 Куёшдай порлаб турар,
 Ўзбекистон дунёни
 Тинчликка чорлаб турари!

* * *

Мустақиллик майдони —
 Озод элнинг кўзгуси.
 Бунга келган ҳар одам
 Кўнглидан гўл уягуси.

Қайси тил, қайси динда,
 Майли, ўз фикрин қилар,
 Лекин илк каломида
 Тинчликнинг шукрин қилар.

Чулки бу улў майдон —
 Хуриятнинг меваси.
 Бунда ҳар тош, қолиннинг
 Бордир ўз тил, шеваси.

Ҳар майса, ҳар бир ниҳол,
 Ўзига ўрин топган,
 Бу миллат азал-азал
 Сўзига ўрин топган.

Ўзбекистон тимсоли
 Шу майдонда бошланур,
 Кўз қувончдан ёшланса,
 Шу майдонда ёшланур.

Дунёнинг беш қитъаси,
 Гулу ниҳоми шунда.
 Куёш — абадий ошқ,
 Ой ҳам мафтۇни тунда.

Ўзбекистон ерининг
 У муқаддас парчаси.
 Шу бос юрт тавофин
 Шундан бошлар барчаси.

Мустақиллик майдони —
 Ўзбекининг гурури,
 Мустақиллик майдони —
 Азим Тошкент тумори!

* * *

Оқ мәрмар, оштоқ мәрмар,
 Эй гўзал, чакмоқ мәрмар,
 Мен сента олқини айтсам,
 Кўзимда мунчоқ мәрмар.

Шаҳраарнинг шоҳ тоши,
Не сирлар гувоҳ тоши,
Мозорларда гам ювган
Қабрларнинг кўз ёши.

Оқ мрамар, қизил мрамар,
Эй сен, қора гул мрамар,
Меҳримнинг чашмасида
Кўз ёшинг ювтид, мрамар.

Муқаддас, азиз жойлар,
Сен-да кўркам саройлар,
Кўз олар кўҳна Шошга
Сен бахш этган чиройлар.

Оқ мрамар, ошпоқ мрамар,
Кўзларга чироқ мрамар,
Эзгулик аркасида —
Чиройинг чакмоқ, мрамар.

* * *

Детайлар, бу дунё сўзга қурилган,
Тарих ортидаги изга қурилган.

Қурилган у Ҳақнинг шарофати-да,
Қимнингдир фидойи жасорати-да.

Ўзича суримас тақдирининг тоши,
Жасорат керакдир, марднинг бардоши.

Ҳурлик майдони бу — асли эл мулки,
Тафаккур маҳсули, оқил дил мулки.


Бу майдоннинг кўксидagi чўғ нима,
Адолатин тутиб турган туг нима?

Бу — бахтиёр онаизор сиймоси,
Бағридаги бола — туги, дунёси.

Она, асли, етти одам сарвари,
У меҳрнинг, оқибатнинг зарари.
Мустақиллик майдонига бахт рамзи,
Бу ҳуррият ато этган тахт рамзи!

* * *

Бахтиёрлик, асли, дилдан бошланур,
Бахтиёрлик, билсанг, элдан бошланур,
Хуш ниятда чиққан йўдан бошланур,
Бош майдоннинг кўксидagi дурдона,
Бахтиёр она бу, Бахтиёр она!



Эду юрти тинчлигининг тимсоли,
Унинг васли — бу Ватаннинг висили,
Фарзанди — бу миллатининг камоли,
Кел, тавзим қил, қошида бўл парвона,
Бахтиёр она бу, Бахтиёр она!

Мустақиллик ато этган бахти бу,
Хур Ватанда оналарнинг тахти бу,
Юрт тинчлиги ҳар онанинг аҳли бу,
Бу нигоҳда меҳру ибo шарқона,
Бахтиёр она бу, Бахтиёр она!

Бунга келмиш дўсту ёрлар, меҳмонлар,
Юрт эгаси, неча-неча сарбонлар,
Эл учундир бу изҳори имконлар,
Оҳ бу кунлар эмасмиди афсона,
Бахтиёр она бу, Бахтиёр она!

Уч бор

Тарих тўфон — ўтган йиллар юз очса тар,
Тарих имкон — ҳикмат аҳли сўз очса тар.

Икки мингу икки юз йил сўзи — Тошкент,
Мулки Турон туПРОғининг юзи — Тошкент.

Хожа Аҳрор Валий севган бўстондир бу,
Не шоирлар дил ганжида дostonдир бу.

Алломадар очган кутлуг эшик — Тошкент,
Озодликни улағйтирган бешик — Тошкент.

Дилда бу дам хуш ниятнинг шитоби бор,
Тарихнинг бир очилувчи китоби бор.

* * *

Шоир қаламида Ҳақнинг нури бор,
Шоир юрагида ҳикмат дури бор,

Дарди бор дилларнинг малҳами — шоир,
Кўнгли гулларининг шабнами — шоир.

Шоир тош билан ҳам тиллашиб турар,
Озода хаёлар диллашиб юрар.

Шоирнинг дилда вафо шеваси,
Шоирнинг тилида шифо шеваси.

Шоир сўз айтса тар миллат, Ватандан,
Булбул эргашади чикйиб чамандан.

Неча шоирларнинг шони бўлган Шош,
Буюқлар қадрининг кони бўлган Шош.

Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори,
Миллат чароғбони, маърифат нори,

Абдулла Қодирий — алломайи нур,
У Тошкент қояси, ҳамиша марғур.

Наср осмонининг у сўнмас моҳи,
«Ўтган кунлар» — асли миллатининг оҳи.

Ким у қон қақшатган, қайси бағри тош?
Кўхна Шош бағрига ситмади Кўёш.

Болга бедаб айтсам арзир каломни,
Тошкент берган, ахир, Фафур Ғуломни.

Бир онда бир олам сўз айтган шоир,
Тохо шамолдан ҳам тез айтган шоир.

Отган қажжаҳасин ҳикмати бўлган,
Даврага нур берган, зийнати бўлган.

Ойбекдек озода ҳаёни берган,
Насру назмдаги камолни берган.

Шабнамдек покиза дил бўлган Ойбек,
Тошлар ичинда ҳам тул бўлган Ойбек.

Умрининг ҳар они — ҳикмату баёт,
Азим Тошкент каби боқий, барҳайт.

Ҳамид Олимжондан қолган чирокқа,
Вафо ипин тутган мангу фироққа.

Садоқат садосин назмга солган,
Сийрати сафосин олам тан олган.

Дилга ютиб барча жабру жафони,
Зулфия асради ишқда вафони.

Мирқарим Осиму Саид Аҳмад ҳам
Қаламда дилларга нур сочган кўркам.

Дил тўкиб садоқат дарсхонасида,
Яшадилар аймон кошонасида.

Шуҳратнинг шайни асраган Шош бу,
Тилдан қолганларнинг кўзида ёш бу.

«Олтин зангуамас» дер абадул абад,
Шошнинг олтинлари улардир абад.

Олтинишда кетса ҳам, офтоб — умрдек,
Муносиб яшди Ўамас Умарбек.

Олимлар оламини олгани ростдир,
Мингларни хайратта солагани ростдир.

Обид Содиковдан қолган зиёдан,
Тошкент тасаннолар олар дунёдан.

Бутун ким билмайди Яҳё Фуломни,
Эани кафтда тутар бу кутлуг номни.

Шундай шараф топмиш улуғлар насли,
Қадромони кўлдир ўзбекининг, асли.

Озод муаллимнинг умрин ҳар они,
Миллат маърифатин абадий шони.

Оним ким — у асли тафаккур шами,
Нур эса ҳамisha кўнгли маҳхами.

Демишлар санъат ҳам у мулки само,
Улуғ санъаткорлар атоий Худо.

Юнус Ражабий ҳам Шуккур Бурҳонни
Довруғи тутандир бутун жаҳонни.

Шу улуғ зотларнинг беинти — Тошкент,
Ҳикмат оламининг эинти — Тошкент.

Кўрмаган кипига армон шаҳар бу,
Не улуғ зотларга мезбон шаҳар бу.

Анна Аҳмадова каби шоира
Бунда илҳом тошган тўзал, бокира.

¹ У аҳолиситои Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим, адиб ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов кўзда тутилмоқда.

Ҳар меҳмон пойга меҳрин тўшаган,
Алексей Толстой ҳам алқаб яшаган.
Айтсам адо бўлмас зийнати бордир,
Ким кўрса хайрату хаваси ёрдир.
Теминовраси самони бўйлар,
Кўкда Ўзбекистон кудратин сўйлар.
Минг газал рамзидир дилдоралари,
Куйласанг, жўр бўлар фавворалари.

* * *

Корган каби ширмой ноннинг зуволасин,
Чертган каби Тошкент чинни писасин,
Тинглаб кўринг фавворалар хуш ноласин,
Қисса ҳамки теграсида овворалар,
Шошда сизни асир этгай фавворалар.

Эа ишончин бу кўкларга парвозими,
Эа кувончин сувардаги рақс, нозими,
Энг яхши куй — бу суварнинг овозими?
Етти тепки атлас кийган дилсоралар,
Етти рангда тованади фавворалар.

Улар сони қирқ еттига етган бу кун,
Лек доврuti юзлаб элдан ўтган бу кун,
Эа-элатлар бахт жомини тутган бу кун,
Дардларига дармон олув дилдоралар,
Кўхна Шошда бордир шундай фавворалар.

Ҳар фаввора ҳар оҳангда куйлагайдир,
Бири пастроқ, бири баванд бўйлагайдир,
Кўриб турган одам ногоҳ уйлагайдир,



Баванд тоғда повуларми шаловалар,
Йўқ-йўқ, денсиз, бу «шаҳарлик» фавворалар.
Муस्ताқиллик майдонининг жидолари,
Хурриятнинг сувардаги садолари,
Бордир юртга уларнинг ҳам вафолари,
Дзим Тошкент окшомида шароралар,
Йўлингизни куйлаб кутар фавворалар.

* * *

Ҳамма замонда ҳам Тошкент меҳмондўст,
Ҳамма замонда ҳам бағри кенг бўлган,
Ун икки дарвоза, ун икки чироқ,
Шоҳу гадога ҳам бирдек тенг бўлган.

Хоҳ Кўлча, Самарқанд, Камолондан кир,
Бешегоч, Қўймас ҳам йўлингга муштоқ,
Қашқардан кирдингми ва ё Лабақдан,
Мунгазир бўлма дер, кела қол тезроқ.

Тахтагуд, Ҳабек бор ё Қорасарой,
Барчаси кўҳна Шош кўксидagi нур,
Сағбондан ўтдингми, бааки Чингай,
Ҳар бири бахш этгай сента зўр сурур.

Ниятинг хуш эрса бўлгани меҳмон,
Меҳридан поёндоз тушган халқ бу.
«Нон шаҳри» номи ҳам кўнгли кенгликдан
Асмида, Қуёшга ўхшаган халқ бу!

Келиб кетгувчи кўп бу кўҳна Шошга,
Бекиз айтилмаган Шарқ дарвозаси.
Истараси иссиқ Тошкент халқининг
Одамга таралган хуш овозаси.

Фашизм дунёга ўт қўйган йиллар,
Қимдар жон сақлашни қилмади орзу,
Ўз мингга боланинг бошини сиаб,
«Сен етим эмассан» — дедман Шош бу!

Элизида балоси тушди бошига,
Дарё бўлиб оқди кўзларда ёши,
Шонир палаткада ёзди дostonин,
Унга мадад бўлди эл-юрт бардоши¹.

¹ Ўзбекистон Қадрамони, Халқ шoirи Эркин Воҳидовнинг 1966 йили эълон қилинган «Палаткада санъат дoston» н назарда тутилмақда.

Матонат — бу халққа бобомеросдир,
Қадрин кафтда тутди ҳар бир меҳмонин,
Минглар бу даргоҳда Ватандик бўлди,
Қимдар тотмадилар Тошкентнинг нонин...

Йиллар ўтаверди йилларни қувиб,
Орзуо армонлар бўйлашиб турди,
Дили қон бу халқнинг кўзлари қулиб,
Ёлларнинг қўшигин қуйлашиб юрди.

Тангри иношти, Ҳақнинг ёниги,
Хурриятнинг бонги чаминди элди,
Амир Темуру руҳи Юртбошига ёр,
Минг битта орзулар қоз очди дилди.

Улуғ ниятларнинг аввали Шошдан,
Поётахтдан бошланди бутун юрт бўйлаб,
Онгу тафаккурга тутилди чироқ,
Ҳар битта эзгу иш қилинди ўйлаб.

Йиптирма йил ўтди, мана, орадан,
Бутунги Тошкентни таниб ол, қани.
Ернинг остида йўл, ернинг устида,
Безор манзилга элтар ҳаммани.

Ҳар бир иморатнинг ранглари ёрқин,
Ҳар бир кошонада ўага салобат.
Азим Анжуманлар кўркем саройи¹,
Истиқлол қад берган кўрку саодат.

¹ Ўзбекистон» Халқаро Анжуманлар саройи кўзда тутилмақда.

Ўн бир туманида гўзал пойтахтнинг
 Тўрт юз етмиш олти маҳалласи бор,
 Асрий удумларни жондек асрашиб,
 Меҳру оқибатдан топган эътибор.

Маврифат маскани — Тошкент азалдан,
 Илм истаганга бағрин кенг очган.

Ҳар мактаб, ҳар лицей, коллеж, олийгоҳ,
 Миллат танламайди — нурин тенг сочган.

Оқ йўл тилаётган онадек улуғ,
 Миненлаб ёшларнинг қаноти — Тошкент.
 Юртинг ифтихори — Шошнинг ёшлари,
 Аҳду вафосининг баёти — Тошкент!

Бир тошда минг йилнинг биттиклари бор,
 Бир гиштдан асрлар қилса ифтихор,
 Нечун фажр этмайин, айтмайин такрор,
 Шундай бино кўрар шоҳ Темур насми,
 Маврифат қасри бу, маврифат қасри.

Тоғмаҳал дунёнинг тожиги арзир,
 Самарқанд жаннатнинг ганжиги арзир,
 Тошкент саҳобатин севмоқлик фарздир,
 Ҳайрату ҳавасдан лол одам аҳли,
 Маврифат қасри бу, маврифат қасри.


Суъ ичра Кувейдир Навоий номи,
 Улуғбек тундаги нурнинг садоми,
 Китобларда қолмиш ҳикмат қадими,
 Аждодларга тортар авлодлар асли,
 Маврифат қасри бу, маврифат қасри.




Ғурурдан йироқдир ғурбатда қолган,
 Қандоқ фахр этгуси ҳасратдан томган,
 Одам ўзбеклардан қўп иборат олган,
 Бу — қудрат онидир, яратиш фасли,
 Маърифат қасри бу, маърифат қасри.
 Бунда тафаккурнинг чироғи ёнғай,
 Бунда маърифатнинг чашмига қонғай,
 Илм уйғотганда йймон уйғонғай,
 Шу аср бўлғайдир ҳур халқим асри,
 Маърифат қасри бу, маърифат қасри.
 Нуртобоши ёдида юз очган қаср,
 Қўхна Шош бағрига нур сочган қаср,
 Қўрқу жамолинга ким бўлмас асир,
 Бу миллат васлидир, ифтихор васли,
 Маърифат қасри бу, маърифат қасри.

* * *

Дунёда адолат қаломи — УАУҒ,
 Мақтасам, Тошкентнинг мақоми — УАУҒ.
 Уауғлик — Тангридан, жаннатий тўша,
 Номин нур таратур минг йиллар оша.
 Қўндуз тўлиб турар Қўёшнинг жоми,
 Тўннинг хуш тилағи Ойнинг саломи.
 Бағрида барақа бағқиган шаҳар,
 Хизр алайҳиссалом алқаган шаҳар.
 Айтиб тур сўзимнинг тақрорларини,
 Мақтасам Тошкентнинг бозорларини.





Ким жаннатнинг мевадарин кўрмоқ истар,
 Рангларига юз терминиб юрмоқ истар,
 Кескин Ташкент бозорига ёру дўстлар,
 Қўзи қувнаб, дилдан чиққай хуморлари,
 Баракаси боқий Шошнинг бозорлари.

Кўринг, яйранг, Эскикжўва, Олойи бор,
 Кўйлик, Фарҳод, Юнусобод дехкон бозор,
 Бешёғочу Мирободу ҳам Чилонзор,
 Бозори кўп, лек бўш турмас қаторлари,
 Баракаси боқий Шошнинг бозорлари.

Анджон ё Фарғонадан писта, бодом,
 Олма сотган бахмаллик қиз бир хушқалом,
 Манов хурмо Сурхонники, олинг, тамом,
 Бу Қуванинг, Шерободнинг анорлари,
 Баракаси боқий Шошнинг бозорлари.

Бу растада Самарқанднинг ширмой нони,
 Мирзаҷўд — бу қовун-тарвуз аса кони,
 Бу Паркентдан келган пакар шибирғони,
 Хўсайнисин мақтаб водий дилдорлари,
 Баракаси боқий Шошнинг бозорлари.

Шафтоли бор, мана, анжир, нокни кўринг,
 Манов асал Чотқол тоғдан, меҳмон, юринг,
 Қантак ўрик етмай қодар, навбат туринг,
 Бутча ширин бу гудчи қиз аёрлари,
 Баракаси боқий Шошнинг бозорлари.



Бу бозорлар кеча-кундуз ётмайди,
 Жондан бошқа барча нарса топилгайдир,
 Йўлингига меҳру соғинч сочилгайдир,
 Етмас сира ҳеч кимсанинг озорлари,
 Баракаси боқий Шопнинг бозорлари.

* * *

Эски шаҳар, Эски шаҳар,
 Деманг уни эски шаҳар,
 Кўп асрлар бўлган ахир,
 Кўҳна Шопнинг кўрки — шаҳар.

Майми, уйлар баванд-пастдир,
 Кўчалари торроқ бўлган,
 Халқи сахий ҳам меҳмондўст,
 Қабри тўё чироқ бўлган.

Тошкентдаги тўй опининг
 Довруғини олам билар,
 Битта ошам ошаб кўйган
 Умр бўйи ҳавас қилар.

Дунёдаги энг зўр норин
 Шопликларнинг таомидир,
 Пўстдумбали мошқичири
 Есанг, жоннинг оромидир.

Мен хаситни мақтамайин,
 Куйруқлари қадқиб турар,
 Шопликларнинг патирлари,
 Оймомодек балқиб турар.

Оқибати улуғ халқ бу,
Оқсоқоли мутафаккир,
Таклиф қилса, сиз шевада —
Келовуза, деб кўйинг бир.

Боровуза, келовуза,
Шевасига меҳрим ортди,
Дек Шошда ҳам вотти-вотти,
Борган сари йўқоловотти.

Эски шаҳар, Эски шаҳар,
Деманг уни эски шаҳар.
Истиқомнинг ҳар йилда,
Сайқал топмиш кўҳна гавҳар.

* * *

Инсон бор — яхшиси, ёмони бордир,
Орзуманд одамнинг армони бордир,
Тарих дафтариини варақдаб кўрсанг,
Ҳар даври замоннинг ўз шони бордир.

Мақтовга сизмайди кўҳна Шош шони,
Ҳам яна дил ўртар асрий армони,
Аmmo шукрона бор минглаб тилларда,
Камолга етказди не-не инсонни.

Шу сафда борлигим менинг ҳам бахтим,
Шаҳримни шарафлаш фарзандлик аҳдим.
Мен унинг бағрида ўзни танидим,
Ҳикматдан яради диллати тахтим.

Гарчи киндик қоним томган Паркентда,
Шошга селка тутган уа қадим кентда.
Дорурфунун бўлиб қучоғин очган,
Илк бор, онам каби ОНАМ — Тошкент-да!

Им — бу ўзингни ўзингда кўриш,
Муҳаббат — кўзингни кўзингда кўриш.
Имму муҳаббати бўлган одамнинг
Ҳикмати — сўзингни сўзингда кўриш.

Мен толиби илм бўлганман бунда,
Ҳилол чироқ тутган менга ҳар тунда,
Игна билан қирқ йил қудуқ қанбон,
Топган маҳзаним У — кўҳна очунда!

У — менинг кўзимда кўкарган дарахт,
У — менга Тангридан насиб этган бахт.
Абаатга, У аввал Ўзбекистонга —
Ҳам тинчлик истаган одамга пойтахт.

Тошкент — тақдиримда товланган тоғим,
Тошкент — тақдиримда ноз очган боғим.
Шоир бўлиб шунда шараф топдим мен,
У — умрим йўлида ёнган чироғим.

Қанча мадҳ этмайин, қарзим чандондир,
Қанча шарафламай, У абад шондир.
Мен унга хуморман, У менга тумор,
У — онам, У — отам — Ўзбекистондир!

* * *

Кўҳна Шошнинг кўҳна тарихин
Бита туриб ўйларга толдим.



Хурриятдан хузур туйганда,
Жисму жоним куйларга соадим.

Мен дostonга жоним чапмидан
Чимдим-чимдим сиёҳдар сиқдим.

Ўзлитимни таниган сари
Мен ўзимда ўзимни уқдим.

Кўзна Шошга қиёс ахтариб,
Мен кўнглимни чимчилаб кўрдим.

Сўз топмасам, нотавон, фариб,
Ташбех топсам, хандадар урдим.

Йигирма йил — тарих олдига,
Бу томчининг умридир балки.

Йиллар, асми, аср таркида
Мен англаган ҳақиқат шулки:

Ўзбекистон — улуғ бир осмон,
Тошкент — унинг бағрида Кувейш,

Бор вилоят, барча воҳадар,
Шу Кувейшга то абад йўқдош.

* * *

Анджон — водийнинг чапми қароғи,
Наманган — нури ҳам Тошкентга ашдир.
Фарғона — водийнинг олтин япроғи,
Бир ёнда Сурхону, бир ёнда Кешдир.

Қадим обидалар қароғида чуғ,
Самарқанд соғинчи дунёни чорлар.
Бухоро замини нақадлар кутлуғ,
Хар зарраси офтобдек порадар.



Пойтахтта талпинар Навоий аҳди,
Хазрат руҳларидан саломлар олиб.
Жиззах Эоминини, қани, ёз фасли
Дунёга кўрсатсанг кўзгута сомиб.


Хоразм — Худойим хушлаган маскан,
Мангубердиларни дунёга берган.
Қорақалпоғистон — саҳрода чаман,
Мағонат боғидан сара гул терган.

Сирдарё — саховат замини азал,
Амуни соғиниб энгикиб оққан.
Тошкент-Бўстонлиғи битмаган газал,
Кўзна Шош аҳлига беҳишгудек ёққан.

Бутун оида бу — бир Ўзбекистон,
Дунё нигухида порлаб турган нур.
Хуррияти боис топган шараф-шон,
Миллат кўксидаги У сўнмас рурур.

Эй миллат офтоби, ота маконим,
Сенинг шонинг билан ким шонланмаган?
Мақкаятиллодан ҳам қайтган чумчуддек
Ризқу насибангдан ким донламаган?!²¹

Юрtdан ифтихордир — сендан ифтихор,
Бахтинг буғдойдайин бошоқлаб ётсин,
Яратгандан яна сўрайман тақрор,
Юз минг йил ўтиб ҳам хуш тонинг отсин!



ХОТИМА

Дунёнинг бир ажиб ҳикмати бордир,
Агар ниятинг пок — Худойим ёрдир.

Оқимлик осмоннинг меваси эмас,
Донолик кўруқ суъ шеvasи эмас.

Агарким эл аро мард сарбон бўлар,
Шубҳасиз, ортида бир қарвон бўлар.

Ўзбек — улут дарё, мавжи барҳаёт,
Конида — адолат, жонида — сабот.

Хар иш ечимида омиллари кўт,
Чунки Хақ кўллаган қомиллари кўт.

Хурриятин Хақдан тилаб олди, рост,
Жабр элагида элаб олди, рост.

Дек уни асрамоқ осон кечмади,
Не-не машаққатлар сувин ичмади.

Элнинг юзи бўлди юртнинг эгаси,
Элнинг кўзи бўлди юртнинг эгаси.

Адолат туғини кўлдан кўймади,
Тинчлик тилагини тилдан кўймади.

Матрифаг чироғин ёқди дилларда,
Ишонч дарёлари оқди дилларда.

Хуррият — Ватанда хуш ҳаво, деди,
Озод элга обод юрт раво, деди.

Гар қулоқ тутсангиз одам қомига,
Исаом Каримовнинг қутлуғ номига,

Шарафдар ёғилмиш жумда жаҳондан,
Миллат фахр этгуси шундай Сарбондан.

Юртбоши — шу юртининг улуғ қояси,
Шошнинг нури бўлди унинг фояси.

Юртда юзин очди барақаяо қут,
Эзининг кўкси тоғдир, эзининг бағри бут.

Бутунги Тошкент — бу поралаган офтоб,
Оламини бағрига чоралаган офтоб.

У кўзгү бўлди, ҳа, Осиёга,
Маърифат мезбони бутун дунёга.

Халқаро анжуман ўлмаган кун йўқ,
Келиб кетгувчилар кўзларида чўқ.

Агар У хаинна — кафтда дурдек тут,
Уни қурганларнинг номин нурдек тут!

* * *

Достон бошлагандим хуш ниёт ила,
Энди нуқта қўйи қўш ниёт ила.

Кимки шарафлаган бу кўзна Шошни,
Номига ёр қиясин Алоҳ Қуёшни.

Ётар манзиллари тинч, обод бўлсин,
Ҳам яна руҳлари мангу шод бўлсин.

Аждоллардан бизга У боқий мерос,
Биздан авлодларга қолажани рост.

Қолаётир лекин, олий мақомда,
Бундай шаҳар йўқдир Араб, Ажамда.

Уни асрамоқ шарт танда жон каби,
Томирда талпинган тоза қон каби.

Нур аввал Қуёшдан таралган асли,
Бу олам қуришдан яралган асли.

Бу достон, наздимда, тулпроқномадир,
Дил ичра дил мулки — чирроқномадир.

Энди мен кўнглимдан ечай жомани,
Қўлингизга тутай «Тошкентнома»ни.

Ўқиб, шу кунларнинг шукрин қилгайсиз,
Шояд, фақирнинг ҳам экирин қилгайсиз!

2011—2012 йиллар

84(Ў)7
Т61

Тоир, Махмуд

Янги Тошкентнома: дoston-фахрия /
Махмуд Тоир; — Т: O'qituvchi, 2012. — 80 б.

ISBN 978-9943-02-499-1



УДК: 821.512.133.1
КБК 84(Ў)7

Махмуд ТОИР

ЯНГИ ТОШКЕНТНОМА

(Дoston-фахрия)

„O'qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2012

Мухаррирлар: *Сирожиддин Сайид, Суннат Хўжааҳмедов*

Баллий муҳаррир *Шамсуддин Хўжаев*

Техник муҳаррир *Татьяна Грешникова*

Компьютерда саҳифаловчи *Шамсуддин Хўжаев*

Нашриёт лицензияси А1 №161. 14.08.2009. Оригинал-макетдан босилиши
руҳсат этилди. 06.06.2012. Бичими 60x84^{1/16}. Кетги 13 шпонги. Асадепу
Uzb. гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози.
Босма т. 5,0. Шаргли 6. т. 4,65. Нашр т. 3,72. 5000 нусхада босилди.
Буғуртма №96-12.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O'qituvchi“ нашриёт-
матбаа ижодий уйи. Тошкент — 129. Навоий кўчаси, 30 уй // Тошкент,
Юнусовод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1- уй. Шартнома № 07-58-12.

ISBN 978-9943-02-499-1

© „O'qituvchi“ НМИУ, 2012